

Аллоҳ учун ихлос ва иймон самараси бўлмиш қабул қилинган рўзанинг аломати

14:25 / 20.06.2017 3071

Аллоҳ учун ихлос ва иймон самараси бўлмиш қабул қилинган рўзанинг аломати – рўзадор тилини ёлғон ва бефойда нарсалардан ҳамда қўлини озор берувчи нарсалардан тийиши, тана аъзоларини барчасини гуноҳ ва маъсиятдан тийиши, Аллоҳ ғазаб қиладиган зоҳирий ва ботиний нарсалардан тийилиши, ёмонликни яхшилик билан бартараф қилиши, агар бирор киши жоҳиллик қилса ёки сўкса ёки жанжаллашса тили ёки қалбида: "Мен рўзадорман", деб айтишидир. Мана шу билан инсон ютуққа эришади, шундагина унинг тутган рўзаси тўсиқ ва ҳимоя бўлади.